



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ



МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ  
ОАВ ВАКИЛЛАРИ УЧУН

**ЭСЛАТМА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

**Маҳаллий ва хорижий ОАВ  
вакиллари учун  
ЭСЛАТМА**

«Адолат»  
миллий хуқуқий ахборот маркази  
Тошкент – 2021

**УЎК: 366.636(0.072)**

**КБК: 76**

**М 37**

**“Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун эслатма”.. – Т: «Адолат» миллий хуқуқий ахборот маркази, 2021 й. – 16 б.**

ISBN 978-9943-7295-4-4

**УЎК: 366.636(0.072)**

**КБК: 76**

Ушбу эслатма маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари учун мўлжалланган бўлиб, ундан сайлов жараёнларини холис ва тўлақонли ёритиш бўйича фаолиятнинг хуқуқий асослари, журналистларнинг масъулияти, хуқуқ ва мажбуриятлари, ваколатлари каби масалалар ўрин олган.

ISBN 978-9943-7295-4-4

© Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, 2021

© «Адолат» миллий хуқуқий ахборот маркази, 2021

## МУНДАРИЖА

- » 1. Маҳаллий ва хорижий ОАВ вакилларини аккредитациядан ўтказиш тартиби қандай ?
- » 2. ОАВ вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат ?
- » 3. Сайловлар даврида ижтимоий тармоқлардаги ёлғон (фейқ) хабарлар, дезинформация ҳамда сиёсий хуружларни қандай аниқлаш мумкин ?
- » 4. Сайлов жараёни қандай босқичлардан иборат (календарь режа)?



Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги уларнинг ваколатлари муддати тугашидан камида уч ой олдин Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

*Сайлов кодекси, 36 –модда.*

## МАҲАЛЛИЙ ОАВ ВАКИЛЛАРИНИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Сайлов кампанияси бошланганлиги расман эълон қилинган кундан бошлаб, сайловга камида ўн кун қолгунга қадар ОАВ вакиллари Марказий сайлов комиссиясига аккредитациядан ўтказиш тўғрисида мурожаат қилишлари мумкин.

Сайлов кодексининг 14- маддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари учун мандат намунасини белгилайди.

### МАҲАЛЛИЙ ОАВ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР:



Ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми;



Лавозими;



Шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;



3x4 см. ҳажмдаги икки дона фотосурат.

ОАВ вакилини аккредитациядан ўтказиш учун мурожаат ОАВнинг расмий бланкасида тақдим этилади ва раҳбарнинг имзоси билан тасдиқланади.

## **ХОРИЖИЙ ОАВ ВАКИЛЛАРИНИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қонунчиллик палатаси сайловларида хорижий ОАВ вакиллари МСК томонидан аккредитациядан ўтказилади.
2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига аккредитациядан ўтган хорижий ОАВ мухбирлик пункти раҳбари сайловларни ёритиш юзасидан Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қиласиди.

## **ХОРИЖИЙ ОАВ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР:**

**Тақдим этиладиган ҳужжатда қўйидагилар кўрсатилиши лозим:**

-  Ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми;
-  Лавозими;
-  Шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
-  3x4 см. ҳажмдаги икки дона фотосурат

Аkkreditatsiya қилинган хорижий мухбирлар Ўзбекистон Республикаси худудида эркин юриш ҳуқуқига эга.

Хорижий мухбир Ўзбекистон Республикаси худудида юришда аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани ўзи билан олиб юриши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишини олдини олиш мақсадида сайлов жараёни иштирокчиларига қўйидагилар тавсия этилади:



- ҳимоя ниқобларидан фойдаланиш;
- қўл бериб саломлашиш ёки тўғридан тўғри контактга киришишнинг бошқа шаклларидан сақланиш;
- ижтимоий масофага риоя қилиш.

## ЁДДА ТУТИНГ!

*Сайловда санитария қоидаларга риоя этишингиз саломатлигингизни сақлашда мухим ҳисобланади.*

## ЭСЛАТМА

*ОАВ вакиллари ваколат муддати унга аккредитациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилган кундан бошланади ва сайлов якунлари расман эълон қилинган куни тугайди.*

*Аkkreditatsiya dan ўtgan OAB vakkillari saylovga oing tagbirlar bўlib ўtagigan binolarni tashrif buyorganiida unga berilgan guvohnoma hamda ўz shaxsini tasdiqlovchi ҳujjatni ёniiga olib yuriishi hamda сайлов комиссиялари талабига мувофиқ уларни кўrsatiishi shart.*

*Аkkreditatsiya dan ўtmagan OAB internet сайтларда эълон қилинган материаллардан нусха кўчириш, тарқатиш ва бошқа шаклларда фойдаланишида taхririyatiннig ёзма roziliгinи олиши, шунингдек Марказий сайлов комиссиясининг расмий сайтига ва ижтимоий тармоқлардаги saхифаларида эълон қилинган материаллардан фойдаланганда ушбу сайт saхifa manbasinи kўrsatiishlari shart.*

*Расмий эълон қилинган хабар ва видео контекстидан бир қисмини, яни матнаги жумланинг асосий маъносини ўзгартириб юборувчи хабар тарқатиш taқиқланади.*

## ОАВ ВАКИЛЛАРИ ҚҰЙИДАГИ ХУҚУҚЛАРГА ЭГА:



Сайловга тайёргарлик күриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш;



Сайлов комиссияларининг мажлисларида иштирок этиш;



Номзодлар кўрсатишга бағишлиланган йигилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш;



Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараённи кузатиш;



Сайлов куни овоз бериш хоналарида, шу жумладан овозларни санаб чиқишида иштирок этиш;



Сайлов жараёни ва овоз беришнинг яширинлигиги-ни бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш (қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно);



Сайловчининг турган жойида унинг рухсати билан овоз бериш жараёнида ҳозир бўлиш;



Сайлов натижаларини аниқлашда ҳозир бўлиш.

*Сайлов кодекси, 35-модда.*

## ОАВ ВАКИЛЛАРИГА ҚҮЙИДАГИЛАР МАН ЭТИЛАДИ:



Сайловчиларга таъсир ўтказиш, қонунга хилоф ра-  
вишда бирон-бир ташвиқот материалы ёки адаби-  
ётини тарқатиш;



Сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган  
пайтда овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;



Сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганли-  
кларини суриншириш ёки сайловчиларга бюллетен-  
га белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;



Участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу  
жумладан сайлов қутилари муҳрланаётган, очилаёт-  
ган, овозлар санаб чиқилаётганда аралашиб;



Сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун  
олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижалари,  
сайлов натижалари прогнозлари, ўтказилаётган сай-  
лов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш.

*Сайлов кодекси, 33-модда.*

## ЁДДА ТУТИНГ!

ОАВ вакили Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси  
талабларига ва Сайлов кампанияси даврида оммавий ах-  
борот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги низом қоидаларига риоя этмаган тақ-  
дирда, Марказий сайлов комиссияси унинг ваколатларини  
муддатидан илгари тугатиши мумкин.

## ФОТО ВА ВИДЕОТАСВИР БҮЙИЧА ҚОИДА ВА ТАВСИЯЛАР:



Марказий сайлов комиссияси сайлов бўлиб ўтадиган худудларда фото ва видео тасвирга олишда қўйиғаги қоидаларга амал қилинишини тавсия этади:



Фото ва видео тасвирга олиш жараёни овоз беришнинг яширинлигини бузмаслиги ва сайловчилар хоҳиш-иродасини назорат қилиш имконини бермаслиги шарт. Шунинг учун бюллетен тўлдиришга мўлжалланган жойларда яширин овоз бериш кабинасида фото ва(ёки) видео тасвирга олиш тақиқладани;



Фото ёки видео тасвирга олиш учун ОАВ вакили УСК аъзоларини, сайловчиларни ва сайлов жараёнининг бошқа иштирокчиларини хабардор қилиши лозим;



Фото ва видео суратга олиш сайлов жараёни иштирокчиларининг конституцион ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини камситмаган холда амалга оширилиши керак.

*Ўзбекистонда ахборотлаштириш соҳасини, ахборотни излаш, олиш, тарқатиш ва ундан бошқача тарзда фойдаланиш масалаларини тартибга солишга қаратилган қўйиғаги қонун ҳужжатлар мавжуд:*

-  Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
-  Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуни;
-  Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуни;
-  Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни;
-  Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Қонуни;
-  Ўзбекистон Республикасининг "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни;
-  Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси.

## **ЭСЛАТМА**

*"Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг 12<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, журналист ёки блогер ахборотни жойлаштиришдан аввал унинг тўғрилигини текшириши, шунингдек жойлаштирилган ахборотнинг нотўғрилиги аниқланган тақдирда, уни дарҳол ўчириб ташлаши шарт.*

*Интернет тармоғига “пост” ёки изоҳлар орқали бошқа шахсни туҳмат ва ҳақорат қилиш ҳамда қонунларга кўра жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этишда айбдор шахслар (ОАВ вакили ёки блогер ёхуд бошқа жисмоний шахс) Ўзбекистон Республикаси Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41 ва 202<sup>2</sup>-моддалари, Жиноят кодексининг 139, 140, 244<sup>1</sup>-моддалари, Фуқаролик кодексининг 100-моддаси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурӣ, жиноий ва фуқаровий жавобгарликка тортилишлари мумкин.*

## САЙЛОВ ДАВРИДА СОХТА ЯНГИЛИКЛАРНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАШ МУМКИН?

### ФЕЙК ФОТО



Фото фейкларни интернет тармоғи орқали аниқлаш осон. Агар сиз Google Chrome браузеридан фойдалансангиз, расмнинг устига сичқонча кўрсаткичини олиб келинг ва ўнг тугмачасини босинг. Шунда “Суратни Google дан топ” пункти келиб чиқади.

### ФЕЙК ЯНГИЛИК



Фейк янгиликларнинг сарлавҳаси асосан жалб қилувчи бўлади. Муаллифнинг хабар ёки мақоласини ўқиётганда унинг манбасига эътибор қаратинг. Чунки айрим сайтлар реклама учун кирувчилар сонини кўпайтириш мақсадида фейк янгиликлар тарқатади.

## ҮНУТМАНГ !

Фейк янгиликларнинг сарлавҳаси асосан жалб қилувчи бўлади. Муаллифнинг хабар ёки мақоласини ўқиётганда унинг манбасига эътибор қаратинг. Чунки айрим сайтлар реклама учун кирувчилар сонини кўпайтириш мақсадига фейк янгиликлар тарқатади.

“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига биноан, ахборот ундан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги таъминланган ва ҳаққоний бўлиши керак. Ахборотни бузуб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади. Оммавий ахборот воситалари ўзлари тарқатаётган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун ахборот манбаи ва муаллифи билан биргаликда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.



# САЙЛОВ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ БОСҚИЧЛАРДАН ИБОРАТ? (КАЛЕНДАРЬ РЕЖА)

Сайлов куни: 24.10.2021

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига кўра, сайлов кампаниясининг асосий тадбирлари қуийиагича:

## Зой олдин



Сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилиш.

36-модда.

## Камида 75 кун олдин



Сайлов округларини тузиш ва эълон қилиш.

9-модда.

## Камида 70 кун қолганда



Округ сайлов комиссияларини тузиш.

21-модда.

## Камида 70 кун қолганда



Сиёсий партиялар томонидан сайловда иштирок этиш учун МСКга зарур ҳужжатларни тақдим этиш.

63-модда.

## 65 кун олдин



МСК томонидан сиёсий партияларга сайловда қатнашишлари учун рұхсат бериш.

63-модда.

**65 күн қолганида бошланади, 45 күн қолганида тұтайди**



Сиёсий партиялар томонидан номзодларни күрса-тиш (партия съездларини ўтказиш).

**64-модда.**

**камида 60 күн қолганига. Айрим ҳолларда сайловға камида 7 күн қолғанда**



Сайлов участкаларини тузиш.

**10-модда.**

**42 күн олдин**



Сиёсий партиялар томонидан Президентликка ном-зодни рўйхатга олиш ҳақида МСКга хужжатларни тақ-дим этиш.

**64-модда.**

**камида 40 күн қолганига. Айрим ҳолларда сайловға камида 7 күн қолғанда**



Участка сайлов комиссияларини тузиш.

**23-модда.**

**35 күн қолганида**



МСК томонидан номзодларни рўйхатга олишни якунлаш

**40-модда.**

**Президентликка номзод рўйхатга олингандан сўнг**



Номзоднинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш ва уларга гувоҳномалар бериш.

**43-модда.**

**34 күн қолганида бошланади, 1 күн қолганида тўхтатилади**



Сиёсий партиялар ва номзодлар томонидан сайловол-ди ташвиқотини олиб бориш.

**44-модда.**

**10 кун қолганига бошланади, 3 кун қолганига тұхтатилади**



Муддатидан олдин овоз бериш.

**57-модда.**

**октябрь ойининг учинчи ўн кунлиги биринчи якшанбаси**



Сайлов куни

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 117-модда

**сайловдан кейин 10 кун ичида**



Сайлов натижаларини аниқлаш ва эълон қилиш.

**97-модда.**

**натижа эълон қилингандан кейин кечи билан 2 ой ичида**



Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қа-  
самёд қилиш ва Президент лавозимига киришиш.

**65-модда.**

## **МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ОАВ ВАКИЛЛАРИ УЧУН ЭСЛАТМА**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси  
Раиси З. Низамходжаев таҳрири остида.*

Таҳрир ҳайъати: *К.Куранбаев, А.Туляганов,  
Ж.Абдуллаев.*

Тузувчилар: *Б.Кучкаров, Х.Маматов,  
Х.Палуаниязов, Д.Тажибоева,  
Р.Бурхонов.*

Нашр учун *Ф.Тожиев,*  
масъуллар: *О.Файзулаев*

Мухаррир: *Ш.Абдуллаев*

Компьютерда  
саҳифаловчи: *Ж.Фофуров*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.

Нашр. лиц. АI № 032, 29.10.2019 й.  
Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-үй.  
Телефонлар: 71-233-28-18, 71-280-55-47  
Веб-сайт: [www.adolatmarkazi.uz](http://www.adolatmarkazi.uz)  
e-mail: [info@adolatmarkazi.uz](mailto:info@adolatmarkazi.uz)

Босишига руҳсат этилди 28.09.2021 й.  
Қоғоз бичими 60x84<sup>1/16</sup> «Antiqua» гарнитураси.  
Офсет усулида чоп этилди. Босма табоби 1.  
Нашриёт хисоб табоби 0,8. Адади 1 500 нусха.  
21-408-буортма. Нархи шартнома асосида.

**«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖда чоп этилди.  
100011, Тошкент ш, Навоий кўчаси, 30 уй.**

- [!\[\]\(5e7394f2d4c4801195c936f6782cc5df\_img.jpg\) www.saylov.uz](http://www.saylov.uz)
- [!\[\]\(e1fe6eb9bf57f509ab5079b52602b182\_img.jpg\) www.saylov2021.uz](http://www.saylov2021.uz)
- [!\[\]\(065aa20855a65021b6a59cfa1c4dc269\_img.jpg\) t.me/electionsuz](http://t.me/electionsuz)
- [!\[\]\(e81d6f711c5962d7b2fb91e78ad31d5c\_img.jpg\) fb.com/uzelections](http://fb.com/uzelections)
- [!\[\]\(9e081ab58843630e1a14dabf873801ab\_img.jpg\) twitter.com/electionsuz](http://twitter.com/electionsuz)
- [!\[\]\(c9249a2a064301f76e425d15d677c82a\_img.jpg\) instagram.com/electionsuz](http://instagram.com/electionsuz)

ISBN 978-9943-7295-4-4



A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-7295-4-4. The barcode is composed of vertical black bars of varying widths on a white background.

9 789943 729544